

ТРАНСПОРТ АЛОКАСИ ВА МАХАЛЛИЙ ЙУЛЛАРНИ ЖОЙЛАШТИРИШ.



Режа:

1. Автомобиль йулларига таъриф.
2. Маҳаллий йуллар
3. Тумандаги йул алоқаси ва юк хажмини ҳисоблаш



Автомобил йули деб, об-хавонинг ҳамма шароитида транспортнинг хавфсиз катнашини таъминлайдиган комплекс муҳандислик иншоотига айтилади.

Маҳаллий йулларни жойлаштириш ва ривожлантиришда жамоа, давлат хужаликлари булимлари, кишлоклари, фермалари, алмашлаб экиш далалари, тайёрлаб ва қайта қуриш корхоналари, темир йул станциялари в.б. билан транспорт алоқасини таъминлаш кўзда тутилади. Бу йуллар кишлоқ хужалиқ маҳсулотларини минерал уғитлар, экилган, асбоб ускуна, қурилиш саноат материалларини уз вақтида етказиб беришда транспортдан оқилона фойдаланишни таъминлайди. Маҳаллий йуллар тумандаги ишлаб чиқариш, (юк ташиш тури, хажми, йуналиши маданий маиший, маъмурий в.б. алоқалар учун хизмат қилади. Бу ерда фақат ишлаб чиқариш алоқаси қуриляпти.) Ишлаб чиқариш алоқасини урнатишда ташиладиган юк хажмларини туманнинг ишлаб чиқаришини башоратлаш лойиҳаларидан ва статистик маълумотларидан фойдаланилади.



Расмда наманган вилояти

Автомобиль йуллари бутун узунлиги ёки айрим қисмларнинг халқ хужалигидаги маъмурий аҳамияти ва вазифасига қура белгиланишига қараб қуйидаги асосан даражаларга бўлинади:

I-а- Халқаро аҳамиятдаги (Тезкор автомобиль магистраллари)

I-б, II-а, III-а - Халқаро аҳамиятдаги (магистрал йуллар)

II-б, III-б Давлат аҳамиятидаги.

I-а, I-б, II-а, II-б - Халқаро аҳамиятдаги (Йирик шаҳарлар атрофидаги айланиб ўтиш ва халқ магистраллар).

II-б, III-б Давлат ва вилоят аҳамиятидаги (Магистрал йулларнинг бош қисми шаҳарга кириш йули).

I-а, II-а- Давлат аҳамиятидаги (Аэропортларга, темир йул вокзалларга ва бошқаларга келиш йуллар)

I-а, I-б, II-а- Халқаро ва давлат аҳамиятидаги (Тарихий ёдгорликлар ва дам олиш жойларига келиш шох йуллари)

III-б, IV-^{*} а, IV-б, V- Маҳаллий аҳамиятдаги (Маҳаллий йуллар)



Шунингдек ҳисобий ҳаракат жадаллигига, келажак даврнинг охириги йилидаги 50 соат ичида етишган (ёки ошган) бир соатлик энг катта жадалликни ҳисобий енгил автомобиллар жадаллигига келтирилгани қабул қилинади.

Ҳисобий ҳаракат миқдори сифатида, иқтисодий изланишлар маълумотларига асосланиб, икки йуналишнинг йигиндисини қабул қилиш лозим. Бунда ҳисобий дебр йулнинг белгиланган вазифасига қараб ҳисобий мавсум (ёз, қуз, баҳор) ёки ой, келажак даврнинг охириги йилидаги уртача миқдори қабул қилинади.





Toshkent Avtomobil-Yo'llar



Йулнинг даражасини белгилашда, режа, буйлама ва кундаланг кесим кесимлар элементларини лойихалашда келажак даврни 20 йилга тенг деб қабул қилиш лозим. Йул тушамасини лойихалашда, келажак даврни таъмирланишлар уртасидаги муддатларни ҳисобга олиб қабул қилиш лозим.

Ҳисобий келажак даврининг бошланғич йили деб, йул (ёки унинг алоҳида қисми) қурилишининг бошланиш йили қабул қилинади.

Умум фойдаланувдаги автомобиль йуллари халқ хужалигидаги ахамиятига қура куйидаги улчамли транспорт воситаларини утказиш учун мулжалланган: узунлиги бўйича яққа автомобиллар 12м. гача, автопоездлар ва гилдиракли трактор поездлари 24м.гача: кенлиги бўйича 2,5 м,гача: баландлиги-4 м.гача.

Режалаида-асосий техник ечимларни хал қилиш жараёнида йўлни жойлардан олиб ўтиш, режа элементлари, бўлама ва кундаланг кесимлари ва уларнинг бир-бирини тулдириши, туташиши ва кесишиши турлари, йўл тушамаси тузилмаси ва йўл пойи бўйича лойиҳада қабул қилинган асосий хулосалар, -мехнат унумдорлигини ошириш, қурилиш материаллари ва ёқилги-энергетик манбаларни тежашга замин яратиши лозим. Бунинг учун ишлаб чиқилган вариантларнинг қуйидаги техник иқтисодий курсаткичларини таққослаш билан асослаб бериш керак: қурилиш нархи, йўлни сақлаш ва таъмирлаш харажатлари, қурилишида ва фойдаланишида атроф табиий муҳитга таъсири билан боғлиқ булган йўқотишлар, транспорт харажатлари автомобиль шинаси ва қисмларининг ейилиши, ёқилги сарфи), юк ташиши таннархи, ҳаракат хавфсизлиги ва қулайлиги, йўлга яқин минтақадаги хизмат курсатилаётган хужалик ва ишлаб чиқариш шароитининг ўзгариши ва бошқа омиллар.



Янги йуллари лойихаларида мавжуд йулар ёки уларнинг айрим кисмларидан фойдаланилганда, фойдаланилмайдиган йул булаклари ишгол килиб турган ерларни кишлок хужалигида фойдаланишига ярокли килиш учун кетадиган сарф-харажатларни инобатга олиш керак.

Йул курилиши мураккаб мухандис-геологик шароитида булиб, йул пойининг мустахамланиши муддати йул курилиши муддатидан ортик булса йул тушамасини куриши боскичма-боскич амалга оширилишига рухсат берилади.

I-III даражали автомобиль йуллари, асосан ахоли яшайдиган жойларни айланиб утган холда, уларга кириши йуллари куриши билан утказилади. Бунда айланма йулнинг жойи кошидан ахоли яшаш жойи кошидан ахоли яшаш жойи курилиши чизигигача булган масофа бош режа асосида, лекин камида 200м. масофада кабул килинади. Баъзи холларда техник-иктисодий хисоблар асосида I-III даражали йулларни ахоли яшаш жойларидан олиб утиши мақсадга мувофик булса, уларни 2.07.01 КМ ва К талаблари асосида лойихаланади.

- ▣ *Магистралларнинг шаҳарларга келиш қисмлари узунлигини (магистралларнинг бош қисмини) шаҳар аҳолисининг сонига қараб аниқланади:*
- ▣ *-шаҳар аҳолиси сони, млн.одам:*
- ▣ *0,5-1,0 1,0-2,0 2,0-4,0 4,0-8,0*
- ▣ *- магистралларнинг бош қисми, узунлиги,км:*
- ▣ *5-10 10-15 15-20 20-30*
- ▣ *Қуп тасмали йуллардаги ҳаракат тасмасининг сони, атроф муҳитни ҳимоя қилиш тадбирлари, йулларнинг кесишиши ва қушилишлари, йул тушамаси тузилмалари, жихозлаш элементлари, муҳандислик жихозлари (шу жумладан велосипед йулакчаси, тусиклар, ёритиш ва алоқа воситалари), йул ва автотранспортга хизмат қилувчи иншоот ва иморатлар таркиби-бир вақтда буладиган ҳаражатларни қамайтириш мақсадида ҳаракат миқдорининг устишига қараб, уларнинг қурилиши босқичма-босқич олиб борилади.*

- ▣ *Автомобиль йулларини лойихалашда атроф мухитни мухофаза килувчи геологик, гидрогеологик, экологик ва бошқа табиий шароитларига энг кам микдорда зарар келтирувчи тадбирлар кузда тутилади. Ушбу тадбирларни ишлаб чиқиш вақтида кимматбаҳо қишлоқ хужалик ерлари, мазорлар, мачитлар, черковлар ва бошқа диний иморатлар, иншоотлар, шунингдек даволаш профилактик муассасалари ва санатройлар жойлашган, ҳамда дам олиш минтақалари бор жойларга эҳтиёткорлик билан қаралади. Атроф мухитга транспорт воситалари таъсирини (шовқин, титраш, ис ва кузни камаштирувчи фарақлар таъсирини) ҳисобга олинади.*
- ▣ *Автомобиль йул уқи йуналишини танлаш, кенг кулагдаги бир-бирига узвий боғлиқ булган техник, иқтисодий, эстетик, экологик ва бошқа омилларни ҳисобга олган ҳолда вариантларни солиштиришга асосланади.*

- *Автомобиль йуллари, йул ва автотранспорт хизмати иншоотлари ва иморатлари, сувни четга чиқарувчи, химоя ва бошқа иншоотларни, йул бўйлаб кетадиган алоқа тармоқларини жойлаштириш учун минтака ажратиш, - Ўзбекистон Республикасининг автомобиль йуллари ва йул иншоотлари қурилишига меъёрланган ер ажратиш бўйича амалдаги қонунларига асосан амалга оширилади. Автомобиль йули-қурилиши даврида очик қон ва захиралар, қурувчиларнинг вақтинчалик шаҳарчаси, ишлаб чиқариш қорхоналари, қелиш йуллари ва қурилиш учун бошқа заруратларни жойлаштиришган ажратилган ер майдони- Ўзбекистон Республикасининг "Йул қурилиши, йул қурилиш материалларини ишлаб чиқариш ва бошқа ишлар вақтида қазилган ерларни қайтариш" бўйича амалдаги меъёрий ҳужжатга асосан уз ҳолатига келтирилгандан сунг ердан фойдаланувчиларга қайтарилади.*

- *Тумандаги корхоналар уз хизмати жихатидан юк хосил килувчи ва юк кабул килувчиларда булинади. Юк хосил килувчиларга жамоа, давлат дехкон-фермер хужаликлари, чорвачилик фермалари, махсулотларни кайта ишлаш корхоналари в.б. булса юк кабул килувчиларга элеваторлар, темир йул станциялари, пахта пунктлари, ёг - мой экстрация заводлари, кишлок хужалик махсулотларини кайта ишлаш корхоналари в.б. хисобланади*
Туман харитасига хамма юк хосил килувчи ва юк кабул килувчи корхоналарнинг маркази шартли белгилар билан туширилади ва номлари ёзилади. Юк хосил килувчи ва юк кабул килувчи корхоналар номи тагига тартиб билан (биринчи каторга заводга, иккинчи каторга темир йулга ва учунчи каторга пахта пункти ёки элеваторга) ташиладиган юк хажми озилади. Сунгра келажакда шу корхоналар билан боғладиган транспорт алоқаси - йул тармоги лойихаси ишлаб чиқилади ва чизмада курсатилади. Бу корхоналарни боғлайдиган йул киска ва кулай булиши керак. Заводга, темир йулга ва элеваторга ташиладиган юклар хажми ва йуналишини курсатувчи алохида-алохида чизмалар чизилади ва йуналишлари бошка-бошка стрелкалар билан курсатилади.

ЙУЛДАГИ ЮК ХАЖМИ ЭПЮРАСИ.

Хар бир йулдан ташиладиган (йуналишидан катъий назар) юкларнинг йигиндиси шу йулга ёзиб куйилади ва хамма йул участкаларидаги юк хажмини чизма ёрдамида курсатилади. Лойихада курсатилган йуллардан ташиладиган юк хажмини маълум бир масштабда чизмада ифода этилишига юк эпюраси дейилади.

- ▣ *Юк эпюраси хамма йул участкаларига чизилади. Юк эпюраси масштабни талабалар узи кабул килади. Юк эпюраси кайси йулдан куп юк ташилишини ва биринчи галда куриладиган йулларни аниклашга ёрдам беради.*

Эътиборингиз учун раҳмат

